

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

**ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШНИНГ
УСТУВОР ОМИЛЛАРИ
10.53885/edinres.2022.55.40.025**

Шакиржанов Темур Азъамжонович
“Белбогли кураш” бўйича Халқаро миқийёсидаги спорт устаси.
Шакиржанова Клара Ташкенбаевна

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, профессор.

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилаётган қарорлар ва унинг ижросини таъминлашда участка инспекторларининг ўрни ва маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлашдаги қилинадиган ҳамкорликдаги чора-тадбирларини жинойтчиликни олдини олишдаги аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: маҳалла, участка инспектори, спорт, оммавий чора-тадбирлар, аҳоли, ёшларни спортга жалб этиш.

Аннотация

В данной статье раскрывается важность издаваемых постановлений правительством республики в сфере обеспечения мира и спокойствия в махаллях и роль участковых инспекторов в обеспечении исполнений нормативных актов по профилактике преступлений среди молодежи средствами спортивных мероприятий.

Ключевые слова: махалля, участковый инспектор, спорт, массовые мероприятия, население, привлечение молодежи к спорту.

Annotation

In this article the importance of resolutions issued by the Government of the republic in the sphere of ensuring peace and tranquillity in the mahallas and the role of district inspectors in enforcing regulations on the prevention of crime among the youth through sporting events is revealed.

Keywords: mahalla, district inspector, sports, mass events, population, youth involvement in sports.

Юртимизда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, турмуш кечиршини муҳофаза қилишда ички ишлар органлари ходимларининг хизмати, меҳнат фаолияти катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Республика ички ишлар вазирлиги тизими ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари, жумладан Академия, ўрта махсус ўқув юртларидаги касбий тайёргарлик жараёнларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни, моҳияти энг устувор омиллардан бири эканлигини инкор қилишга асос бўлмаса керак. Уларнинг асосий йўналишлари, турлари, ўргатиш усуллари ўқув-машқ машғулоти ва жанговарлик ҳамда жисмоний тайёргарликни тарбиялашга қаратилган амалий фаолиятда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш” тўғрисидаги ПҚ-201-сонли қарорида белгиланган ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқиш вазифалари ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёти стратегиясида (67-мақсад) белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда, барча соҳа вакиллари қатори, ички ишлар ходимлари, айниқса, участка инспекторлари (нозирлари) фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Чунки улар маҳалладаги ҳар бир фуқаро билан мулоқотда бўлувчи, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, кунлик турмуш тарзидан хабардор шахс ҳисобланади.

Ўқувчилар, талабалар ва ишчи-хизматчи ёшларга ички ишлар органи ходимларининг машаққатли хизмати ҳақида тушунчалар бериш, ҳозирги даврда таҳдид ёки зиддиятли вазиятлар содир бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, иқтидорли ўғил ва қиз болаларга ҳарбий жисмоний тайёргарлик машқларини ўргатиш, уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш лозим. Бу эса ҳолатни чуқур ўрганиш, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ички ишлар ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган ҳар бир тадбир маҳаллада юз бериши мумкин бўлган турли хил жинойтларни олдини олишга хизмат қилади. Бундай тадбирларни ташкил этиш эса участка инспекторларидан тегишли касбий билим, кўникмалар ва компетентлиликни талаб этади. Бу бугунги кунда соҳанинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

Тадқиқотнинг мақсади: ички ишлар ходимларининг касбий маҳоратини оширишнинг устувор омилларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Аҳоли истиқомат қилиш жойларида назорат, текширув, амалий ёрдам кўрсатаётган участка инспекторлари иш фаолиятини ўрганиш.

2. Ички ишлар ходимларининг маҳалла, меҳнат жамоалари (корхоналар), таълим муассасаларида тадбирлар ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия таълимининг хусусиятларидан бири шундаки, у ўқувчи, талаба, ишчи-хизматчи ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш, аҳолининг барча қатламлари ҳамда турли тоифадаги фуқароларнинг меҳнат қобилиятини ошириш, кексалар умрини янада узайтиришга хизмат қилиш билан чегараланилмайди. Ватан ҳимоячилари, ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳоратини такомиллаштиришда уларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлик машқлари билан мунтазам ва мақсадли шуғулланишларини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимда Ш.Мирзиёев: "Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда, Шу билан бирга уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак", - деб таъкидлаб ўтди.

Ички ишлар органлари тизимидаги таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш курслари ва шахсан ҳар бир ходимнинг мустақил хизмат фаолиятида ихтисослаштирилган спорт турлари орқали жанговар ва жисмоний тайёргарликни тарбиялашга қаратилган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бугунги кун талабларига жавоб бериши лозим. Бу борада ватанимиз олимлари Ф.А.Керимов, О.Р.Таймуродов, А.Элов., шунингдек, хорижий мутахассислар Р.Б.Хабартов, А.И.Ушенинлар ўз ишларида қуйидаги омилларга аҳамият қаратишган:

-шахсий таркиб ва тингловчилар, курсантлар, амалий хизматдаги ходимларнинг ишчанлик қобилиятини ошириш ва ривожлантириш;

-ўқувчи ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтириш ва уларнинг таъсир кучини таъминлаш;

-иқтидорли ўғил ва қизларда ички ишлар органларидаги хизмат турларига ва бу соҳада масъулиятли фаолиятга бўлган қизиқишни уйғотиш;

-жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиш, касбий-амалий жисмоний тайёргарликни эгаллаш йўллари ҳамда усулларини ёшларга ўргатиш;

-посбонлик фаолиятини видеокамера воситалари асосида кузатиш, назорат қилиш, хавфли вазият содир бўлиши эҳтимоли пайдо бўлганда зудлик билан тегишли ходимларга (профилактика, ички ишлар хуудий бўлинмаларига ва ҳ.к.) хабар қилиш;

-хуқуқбузарлик, безорилик ва турли хавф-хатар содир бўлганда уларга қарши туриш, зарур бўлганда жисмоний куч (кураш, қўл жанги, махсус ёки ноанъанавий воситалар: таёк, тош, металл буюмлар, арқон ва ҳ.к.) ишлатиш технологияларини қўллаш каби амалий фаолиятнинг энг қулай ва мураккаб усулларидан фойдаланишни ёшларга ўргатиш.

Ушбу масаланинг муҳим томони шундаки, белгиланган профилактика (назорат, текшириш, кузатиш ва ҳ.к.) тадбирларини ўтказишда муаммоларга доир мавзуларда мулоқот қилиш муҳим аҳамият касб этишини муаллифлар таъкидлаб ўтишади. Ўзаро ҳамкорликда ўтказиш лозим бўлган тадбирлар ва мулоқотларнинг мақсади ва вазифалари қуйидаги жадвалда берилган.

/р	Тадбир ва мулоқот ўтказувчи ҳамкор ташкилотчилар	Ўтказиш жойи	Тадбир номи
	Участка инспектори, маҳалла аҳолиси ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари	Маҳалла фуқаролари йиғини мажлислар зали	“Менинг маҳаллам, менинг юртим”
	Участка инспектори, маҳалла фуқаролари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва турли ташкилотлар	Маҳалла спорт ўйингоҳи	Маҳалла аҳолиси ва ёшлар ўртасида турли спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил

			ЭТИШ
	Участка инспектори, маҳалла фуқаролари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва турли ташкилотлар	Маҳалла идораси	Уюшмаган ёшлар ўртасида турли тадбирларни ташкил этиш

Ушбу тадбирларнинг ҳамкорликда ўтказилиши маҳаллада тинчлик- осойишталикни таъминлаб, уюшмаган ёшлар ўртасида турли жиноятларни олдини олишда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, участка инспекторларининг касбий компетенцияси ошишида, аҳоли ва уюшмаган ёшлар билан ишлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда ушбу тадбирлар дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар ходимларининг касбий-амалий фаолиятини ошириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни қайд этиш имконини берди:

- илмий услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича, ички ишлар ходимларининг касбий маҳоратини оширишда жисмоний тайёргарликнинг ўрни ва аҳамиятини очиқ берувчи тадқиқотлар етарлича ўтказилган бўлсада, аммо маҳаллаларда уюшмаган ёшларни спорт орқали бирлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаганлиги текширувлар жараёнида аниқланди;

- ички ишлар органлари инспектори, маҳалла фуқаролар раиси ва ёшлар масалалари бўйича ҳоким маслаҳатчиси билан ҳамкорликда ўтказилган спорт тадбирлари аҳоли ва уюшмаган ёшларни бирлаштиришда асосий воситалардан саналади. Қолаверса, бундай ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар маҳаллада турли жиноятчилик ва қонунбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2022 йилдаги ПҚ-201-сон.
2. Мирзиёев Ш. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови"; Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, "Халқ сўзи" газетаси 8 декабрь 2016 й.
3. Karomatovich I. A. PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL SUPPORT OF YOUNG TEAM ATHLETES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 1011-1016.
4. Ibragimov A. K. DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //E-Conference Globe. – 2021. – С. 333-338.
5. Karomatovich I. A. METHODS OF TEACHING CHILDREN FOR MOVEMENT ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 242-249.
6. Ibragimov A. K. Catalog of training tasks for training special endurance of young girl handball players. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. Year: 2020, Volume: 10, Issue: 11. P: 486-492. DOI: 10.5958/2249-7137.2020. 01410. X.
7. Narzullayev, Farrux. "Qizlar sporti yo'nalishi bo'yicha tahsil olayotgan qizlarning yengil atletika darslarida kuch siaftlarini rivojlantirishning pedagogik asoslari." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 1.1 (2020).
8. Ashrapovich, N. F. (2021). Determination of physical development of primary school students through national movement games. *Middle European Scientific Bulletin*, 11.
9. Ashrapovich, N. F. (2022). FORMS OF CONTROL OVER THE PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY OF THE TRAINER AND ITS PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 372-379.
10. Narzullayev, Farrux Ashrapovich, and Dinara Olimovna Begimkulova. "Sport psixodiagnostikasi fanini o'qitishda ta'lim texnologiyalardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari." *Science and Education* 3.4 (2022): 1724-1730.
11. Nematovich K. S. Abdueva Sitorabonu Savridin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features //Journal of Critical Reviews. doi. – Т. 10. – С. 470-471.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

12. Abdueva S. S. Q. Determining the speed and strength of 14-15 year old handball players in jumping //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 11. – С. 1212-1220.
13. Abdueva S. S., Khurbonov S., Sabirova N. Evolution of physical performance and techniques of handball girls aged 11-12 //International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology (IJARSET). – 2019.
14. Abdueva S. S. Activities that increase children's interest in the sport of handball //Innovatsionnoerazvitienuki I obrozovaniemejdunarodnayanauchno-prakticheskayakonferensiya. – 2020.
15. Rasulovna S. N. THE PLACE OF PHYSICAL TRAINING AND SPORTS IN THE LIFE OF SCHOOL STUDENTS //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – T. 2. – №. 04. – С. 306-312.
16. Rasulovna S. N. TOOLS FOR DEVELOPING SPECIAL PHYSICAL TRAINING AND PHYSICAL QUALITIES IN SPORTS GAMES //E-Conference Globe. – 2021. – С. 299-305.
17. Sabirova Nasiba Rasulovna. Basics and Advantages of Individual Training to Increase Technical and Tactical Training of Basketball Players. AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. ISSN: 2690-9626 Vol.3, No 1, 2022
18. Маъмуров, Б. Б., & Хамраев, И. Т. (2020). Субъективные особенности ценностного отношения студенток к специальным тестам «АЛПОМИШ» и «БАРЧИНОЙ». In *Педагогическое образование: вызовы XXI века* (pp. 417-421). <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&hl=ru&cluster=1813447085392371526>
19. Ma'murov, B. B. (2019). Forming Future Teachers' Competence in Educational Process Design based on Acmeological Approach. *Eastern European Scientific Journal*, (1). https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=aXmRXUAAAAJ&cst_art=20&pagesize=80&alert_preview_top_rm=2&citation_for_view=aXmRXUAAAAJ:UebtZRa9Y70C
20. Мамуров, Б. (2019). Физическая активность и развитие интеллекта человека. *Педагогическое образование и наука*, (6), 132-134. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=aXmRXUAAAAJ&cst_art=20&pagesize=80&alert_preview_top_rm=2&citation_for_view=aXmRXUAAAAJ:4T0pqqG69KYC
21. Mamurov, B. B. (2017). Forming Skills of Academic Process Design for Future Teachers and Methods of Determining Its Quality. *Eastern European Scientific Journal*, (1), 156-159. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=aXmRXUAAAAJ&cst_art=20&pagesize=80&alert_preview_top_rm=2&citation_for_view=aXmRXUAAAAJ:hqOics7Dif8C